

ТАЪЛИМНИНГ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИНИ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ЎТИШДА ФОЙДАЛАНИШ

Рашидова Бахти Яхяевна
Жиззах Политехника Институтини
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақоламизда педагогика фанини ўтишда таълимнинг интерфаол усулларида фойдаланишда ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда нимага диққат эътиборни қаратиши лозимлиги хусусида мисоллар шаклида ёритилиб берилган.*

Калит сўзлар: *таълим, тарбия, маънавият, маърифат, миллий қадриятлар, урф-одатлар, интерфаол усуллар, метод, восита.*

USE OF INTERACTIVE METHODS OF EDUCATION IN PEDAGOGY

Rashidova Bakhti Yaxyaevna
Jizzakh Polytechnic Institute
Senior Lecturer, Department of Social Sciences

Annotation: *This article provides examples of what to look for when using interactive teaching methods in the transition to pedagogy.*

Keywords: *education, upbringing, spirituality, enlightenment, national values, traditions, interactive methods, method, tool.*

Ўқувчи-талабаларни фикрлашга, фикрлаганда ҳам мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш давримизнинг муҳим талабларидан биридир. Бундай маъсулиятли вазифани бажариш биринчи навбатда биз ўқитувчиларнинг зиммасига тушади, албатта. Зеро, ўқитувчи ўзи мустақил ва ижодий фикрлай олмас экан, у ўз ўқувчи-талабаларини ҳам ижодий фикрлашга ўргата олмайди. Демак, биз аввало, бўлажак ўқитувчиларни мустақил фикрлашга машқ қилдиришимиз, тинмай ўргатишимиз лозим. Инсоннинг фикран мустақиллиги ҳам, юртнинг истиклоли ҳам ўзликни англашдан бошланади. Ўзликни англаш эса, аввало, фикрлашдан, ижодий, мустақил

фикрлашдан бошланади. Мустақил фикрлай оладиган кишигина ўз эрки, Ватан мустақиллиги учун кураша олади. Шундай кишиларни тарбиялашнинг энг яхши имконияти дарс, яъни таълим жараёни. Ҳозирги кунда талабаларни – бўлажак ўқитувчиларни фикрлашга ундовчи, ўргатувчи энг самарали омил – бу турли педагогик технологияларни кўллаш, яъни таълимнинг интерфаол усулларидан фойдаланишдир. Чунки замонавий дарс ўтиш усуллари талабаларни ўйлашга, фикрлашга, изланишга ўргатади. Шу ўринда биз III курс талабаларига «Педагогикада ахлоқий тарбия меъзонлари» мавзуси бўйича ўтиладиган амалий машғулотнинг тахминий тузилишини эътиборингизга ҳавола этамиз. Бунда дарсни ўқитиш ва ўргатишни уч босқичда: **чақириқ, англаш, фикрлаш** босқичида ташкил этамиз.

Чақириқ босқичида талабаларга саволлар билан муурожаат этамиз, яъни муаммоли вазият яратамиз.

1. **Чақириқ:**

- а) Ўзбекларда оила нима билан мустаҳкамланади?
- б) Халқимизда қандай муносабатлар ахлоқсизлик саналади?
- в) Халқимизда оила қуришнинг қандай ўзига хос талаб ва тушунчалари бор?
- г) Кафоат нима? қонун тилида кафоат нимани билдиради?
- д) Келин-куёв қайси томонан бир-бирларига тенг бўлишлари керак?
- е) «Тенгини топсанг текин бер» халқ мақолининг маъносини айтинг.

Бунга ўхшаш саволларни кўплаб бериш мумкин. Лекин бу саволларнинг ҳаммаси бир мақсадга, яъни ўқувчиларни фикрлашга, билганларини эсга солишга ва уларда қизиқиш уйғотишга, интилишга, изланишга эҳтиёж уйғотиши ва бунга ёрдам бериши керак.

Бугунги кунда яна қандай талабларни қўшимча қилиш мумкин? Демак, бу босқичда талабалар бу мавзунини бирмунча англайдилар. Энди талабалар ўз жавобларини ўқитувчи маърузада берган маълумотлар билан таққослаб, ўз фикрларини далиллар билан асослайдилар. Яна нималарни

билишни хоҳлашларини ёзадилар ва жавоб истайдилар.

Умуман, бу тарзда дарс ўтишда талабаларнинг шиори шундай бўлади: **биламан, билиб олдим, билишни хоҳлайман**. Бу дарснинг англаш босқичи. Бундан кейинги босқич талабаларни фикрлашга, хулоса чиқаришга ундаш жараёни ҳисобланади. Бунда талабалар шу мавзуда иншо ёки мақола ёзишади. Улар мавзу бўйича олган таассуротлари, чиқарган хулосалари ҳақида фикр юритадилар. Талабалар дарснинг охирида ёзган иншолари ёки мақолаларини ўқиб берадилар, савол-жавоб асосида баҳоланадилар. Баҳолар эшиттирилади ва уйга вазифа берилади. Дарс якунланади. Бу модели дарснинг тахминий кўриниши. Дарсни бу тарзда ташкил этишдан мақсад – талабаларни фикрлашга, ижодкорлик ва топқирликка ўргатишдир.

«Педагогикада оила тарбияси. Бола тарбиясида оилавий анъаналар» мавзусида маъруза ўтаётганда анъанавий тарбия турларидан бири бўлган ҳасаб ва насаб тарбияси ҳақида маълумот берамиз, унинг шахс шаклланишида, камолатида асосий омил эканлигини мисоллар орқали таҳлил қилиб тушунтирамиз. Ёшларда ўз насаблари билан фахрланиш ҳиссини тарбиялашга эътибор берамиз. Ана шу мавзу юзасидан амалий машғулот ўтаётганда эса, ҳасаб ва насаб тарбияси бўйича дебат ўтказамиз. Бунда талабаларни тенг 2 гуруҳга бўламиз. 1-гуруҳ шахснинг камолатга эришувида насаб ҳал қилувчи рол ўйнайди деган фикрни ҳимоя қилади. 2-гуруҳ эса, шахс камолатида ҳасаб асосий ўринни эгаллайди деган фикрни тарғиб қилади. Шунга кўра, 1-гуруҳни «Насаб», 2-гуруҳни «Ҳасаб» номи билан атаймиз. Уларга топшириқ 15 кун олдин бериб қўйилади ва моҳияти тушунтирилади. Ҳар 2 гуруҳ аввало, насаб ва ҳасаб ҳақида ўқиб, ўз фикрларини ҳимоя қилиш ва унга тингловчиларни ишонтириш, рақибларини мағлуб қилиш учун ишончли маълумотлар, қизиқарли мисоллар йиғишади. Мақсад – талабаларни халқ анъанавий тарбияси ҳақида маълумотларни йиғишга, ўрганишга эҳтиёж уйғотиш, мустақил, эркин фикрлашга, зарурият туғилганда ўз фикрини ҳимоя қила олишга

ўргатишдир.

«Насаб» гуруҳи бола шахсининг шаклланишида насабнинг, яъни аждоддан авлодга қон орқали ўтувчи геннинг ролига алоҳида эътиборини харатишади ва бунда ген, яъни зот ҳал қилувчи рол ўйнайди деган ғояни илгари суришади. Буни мисоллар билан исботлашади. Масалан, тарихда ўтган буюк одамларнинг наслида туғма қобилят, истеъдод бўлгани учун ҳам улар ўз даврларида шундай шон-шуҳрат таратишган, машҳур бўлишган. Бу ҳақда халқимизнинг «Оққан сув оқмай қолмас», «қазисан, хартасан, асли наслинга тортасан» мақолларини, Навойнинг «Ит билан ҳўтикни қанча қилсанг тарбия, ит бўлур, эшак бўлур, асло бўлмас одами» каби ҳикматли сўзларини мисол қилиб келтиришади. Фикрларини исботлаш учун 76 ёшда вафот этган машҳур физик олим, биринчи ўзбек космонавти Солижон Шариповнинг устози, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Шавкат Аҳадович Воҳидовни мисол келтиришиб, у туғма қобилятга эга эди. Чунки у Самарқандлик машҳур хаттот Домла Мири Заррин қаламнинг чевараси, фикҳшунос олим, мадраса мударриси, муфти Мирабдивохиднинг набираси эди. Яна бир катта бобоси Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг мударриси, шоир Абдулкарим Сипандий ҳам ўз даврининг машҳур алломаларидан бўлганлиги ҳақида гапириб, агар зотида, қонида бўлмаса, Воҳидов хар қанча меҳнат қилмасин, бундай мақомга, шон-шуҳратга эга бўлмас эди, деган фикрни илгари суришади ва жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилишади.

Иккинчи «Ҳасаб» гуруҳи: «Агар наслида машҳурлик, улуғлик бўлса-ю, бола ўз устида ишламаса, меҳнат қилмаса, унинг насаби ҳам, зоти ҳам ҳеч нарса қилиб беролмайди. У аждодларидек машҳур бўлолмайди. Одам фақат тинимсиз, машаққатли меҳнати орқалигина хурмат-эътиборга эришади, машҳурлик даражасига кўтарилади. Масалан, Жиззах Давлат Педагогика олийгоҳи академиги Х.А.Тўракулов оддий деҳқон оиласидан. Аждодида олимлар ҳам ўтмаган. У фақат меҳнати орқали шундай юксак илмий даражага, устозлик мақомига эришди. Зотан, донишмандлардан

буюкликка эришишнинг сабабини сўрашганда, буюкликнинг сири меҳнатда. Буюклар оддий одамларга хараганда кўп, жуда кўп меҳнат қилишади деган экан. Демак, насабсиз ҳам киши машҳур бўлиши, элга танилиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашади.

«Насаб» гуруҳи: қобилият, талант қонда бўлиши керак. Агар қонда бўлмаса, фойдаси йўқ. Ҳамма гап кишининг насабида, зотида, қонида бўлмаса, минг меҳнат қилгани билан фойдаси йўқ дейди ва ўз фикрларини Жиззахлик шоира, Жиззах вилояти хокими ўринбосари бўлиб ишлаган Шахло Аҳророванинг қуйидаги гапи билан тасдиқлашади. Шахло Аҳророва шоира ва олима Шарофат Ботированинг хотирасига бағишлаб Жиззах Давлат Педагогика олийгоҳида ўтказилган кечада: «Одам хоҳласа, ўқиб, ўрганиб олим бўлиши мумкин. Лекин худо бермаса, қонида бўлмаса, шоир бўлолмайди» деган эдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки: миллий анъаналармизни чуқурроқ ўрганиш, теран англаш ва моҳиятини тушуниш, ўз фикрига эга бўлиш ва уни ҳимоя қила олиш, исботлаш, таққослаш, ишонтириш йўллариини ўрганиш, яъни янгича фикрлашга одатланишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Б.Н.Гаппаров ва бошқалар. “Халқ педагогика”. Тошкент. Тафаккур нашриёти. 2009 йил., 53-58 бетлар.
2. Б.Н.Гаппаров ва бошқалар. “International Conference on Learning and Teaching” мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий конференция. 28.02.2022. 146-148 бетлар.
3. Б.Н.Гаппаров “International Conference on Learning and Teaching” мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий конференция. 28.02.2022. 154-156 бетлар.